


**Бухоро тумани ҳокимлиги
халқ таълими бўлими
1-умумий урта таълим мактаби**

**3-"В" синф рахбари
Хасанова Махсуманинг
математика фанидан
1 соатлик очик дарс
ИШЛАНМАСИ**



Галаосиё - 2008 йил



Фан: Математика

Сана: 14.12.07 йил

Мавзу: Йил, ой, ҳафта.

Дарс максади:

- а) Укувчиларга йил, ой, ҳафта ҳақида билим бериш.
- б) Вактнинг кадрига етишга ундаш, вақтни тугри тақсимлашни, ундан унумли фойдаланишни ургатиш.
- в) Вақт улчов бирликлари, соат, дақиқа ҳақидаги тушунчаларини ривожлантириш.

Дарс тури:

Янги билим бериш.

Дарс услуби:

Тушунтириш, савол-жавоб, мусобақа.

Дарс жихози:

Соат, йил фасллари тасвирланган расмлар, таркатма материаллар ва тестлар.

Дарс режаси:

1. Ташкилий лаҳза.
2. Утилган мавзулар юзасидан савол-жавоб.
3. Янги мавзунинг баёни.
4. Мавзуга доир мисол ва масалалар ечиш.
5. Баҳолаш.
6. Вазифа.

Дарсинг бориши:

1. Синф укувчилари билан ташкилий лаҳзада фасл, табиат, об-ҳаво ҳақида суралиб, навбатча ахбороти тинглангач 30 нафар укувчини 6 тадан қилиб 5 гуруҳга бўламан. Ҳар бир гуруҳ узига сардор, ном ва шиор танлашади.

1-гуруҳ: «Заковат»

Шиори: «Куч билим ва тафаккурда»

2-гуруҳ: «Ёш математик»

Шиори: «Математика-ақл чархи»

3-гуруҳ: «Ал Ҳоразмий»

Шиори: «Аждодлар уғити бизга мададкор»

4-гуруҳ: «Билимдонлар»

Шиори: Билмагани сураб урганган олим,

Орланиб сурамаган, узига золим.

5-гуруҳ: «Зукколар»

Шиори: «Ақл ёшда эмас, бошда»


2) 467-мисол орқали утилган мавзу мустаҳкамланиб олинади.

467-мисол.


Ҳар бир соат кундузги қайси вақтни курсатмоқда?

5 та соат расми 5 гуруҳга курсатилади.


1-гуруҳ:-11⁴⁵




2-группа: 11^{50}




3-группа: 3^{40}



4-группа: 2^{35}



5-группа: 1^{30}



Шундан сунг гурухларнинг жавобларини тугри ёки нотугрилигига караб рангли шакллар билан бахолайман.

Кизил-«5 балл»

Кук-«4 балл»




Сарик-«3 балл»

2. Янги мавзунини эълон қилиб тушунтираман.

Вакт улчов бирликларидан йил, ой, ҳафта ҳақида билимга эга буламиз.

Бир йилимиз 365 кундан, ҳар 4 йилда бир 366 кундан иборат бўлади. Бир йилимизда 4 фасл, ҳар бир фаслда 3 ой бор. Демак, бир йилимиз 12 ойдан иборат.

Қурғазма орқали фасллар ва ойлар ҳақида маълумот бераман.



Шундан сунг 5 гурухга алохида-алохида саволлар бераман. Хар бир гурухга бошка гурух аъзоларининг жавобларини диккат билан тинглашларини топшираман.

1-савол:

Йил кайси ой ва кайси кундан бошланади?

2-савол:

Бир йилда неча ой бор? Уларни тартиби билан айтинг.

3-савол:

Хар кайси ой неча кундан иборат?

4-савол:

Сизнинг тугилган кунингиз кайси ойда ва шу ойда неча кун бор?

5-савол:

7 сутка ёки 7 кун-бу бир хафта. Хафта кунларини тартиби билан айтинг. Шундан сунг 468-473 мисол ва масалаларни хар бир гурухга топшираман.

1-гурух: 468-масала.

Огзаки хисоб-5 минут	}	45 минут
Мисоллар-15 минут		
Масалалар-? минут		

Масалани 2-3 укигач, тахлил килишади. 1 укувчи киска ёзувини айтгач, 2 укувчи ечади.

Ечиш:

- 1) $15+5=20$ минут
- 2) $45-20=25$ минут

2-усул:

20

$45-(15+5)=25$ минут

Жавоб: Укувчилар 25 минут масала ечишган.

2-гурух: 469-масала.

Кишлокдан шаҳаргача-30 минут

Йулга чикди-1¹⁰ да

Етиб келади-?

Ечиш: $10+30=40$ минут

Жавоб: Автобус шаҳарга 1⁴⁰ да етиб келади.

3-гурух: 470-мисол.

1) Апрельдан кейин май, ноябрдан кейин декабр келади.

2) Март,	Май,	Ноябр
3-ой	5-ой	11-ой

4-гурух: 472-масала.

Хар куни таъмирлаши керак 6 та м

Таъмирланди-7 та м

Жами-42 та мотор

Неча кун олдин бажарилди-?

Ечиш:

- 1) $42:6=7$ кун
- 2) $42:7=6$ кун
- 3) $7-6=1$ кун

Жавоб: Топширик муддатидан 1 кун олдин бажарилди.

5-гурух: 473-масала.

}

Поездда-106 км

Автобуста-?, 29 км ортик ?

Пиёда-48 км

Ечиш:

1) $106+29=135$ км (автобуста)

2) $106+135+48=289$ км

Жавоб: 289 км йул босган.

Гурухларнинг топшириклари кай даражада бажарганликларини баҳолагач, тест саволларини бераман.

Тест саволлари:

1) Вакт улчов бирликлари берилган каторни курсатинг?

а) км, м б) соат, hafta д) см, кг

2) 178 ракамида нечта унлик бор?

а) 7 та б) 1 та д) 8 та

3) $x-6=95$ Тенгламада нима номаълум?

а) камаювчи б) айрилувчи д) айирма

4) Али 65 та олма, Вали ундан 8 та кам олма терди. Иккаласи нечта олма теришган?

а) 133 та олма б) 132 та олма д) 122 та олма

5) Август нечанчи ой?

а) 4-ой б) 8-ой д) 9-ой

Тест натижаларини аниклагача, бугунги дарс давомида гурухларнинг туплаган рангли шакллари оркали умумий балларини аниклаб, голиб гурухни эълон киламан. Уларни такдирлаб, уртокларини голиблардан уртак олишга чорлайман.

474-475 мисол ва масалани тушунтириб, вазифа килиб топшираман.

Дарсга якун ясайман.

474-мисол.

$623-521+485=102+485=587$

$574+67-612=641-612=29$

$246+(604-547)=246+57=303$

$902-(26+354)=902-380=522$

475-масала.

Бор эди-20 та олма

2 та таксимчага-6 тадан олма

Булди-?

Ечиш:

1) $6 \times 2=12$ та (о)

2) $20+12=32$ та (о)

Жавоб: Столда хаммаси булиб 32 та олма булди.